

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.02/02.30.12.2019.Tar.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

**ИСАБЕКОВ БЕҲЗОД ИМОМАЛИ ЎҒЛИ**

**ЮҚОРИ ВА ЎРТА ОҲАНГАРОН ВОДИЙСИНИНГ ҚАДИМГИ ВА  
ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ**

**07.00.06 – Археология  
(тарих фанлари)**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Исабеков Беҳзод Имомали ўғли**

Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсининг қадимги ва ўрта асрлар даври  
маданияти.....3

**Исабеков Беҳзод Имомали угли**

Древняя и средневековая культура верхней и средней Ахангаранской долины  
.....29

**Isabekov Behzod**

Ancient and medieval culture of the upper and middle Ahangaron valley ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 59

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.02/02.30.12.2019.Tar.45.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ**

**ИСАБЕКОВ БЕҲЗОД ИМОМАЛИ ЎҒЛИ**

**ЮҚОРИ ВА ЎРТА ОҲАНГАРОН ВОДИЙСИНИНГ ҚАДИМГИ ВА  
ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ**

**07.00.06 – Археология  
(тарих фанлари)**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Tar359 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Миллий археология марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.archaeology.uz](http://www.archaeology.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Асқаров Аҳмадали Асқарович  
Тарих фанлари доктори, профессор, академик

**Расмий оппонентлар:** Раимкулов Абдисабур Аззамович  
Тарих фанлари доктори

Тошбоев Фурқат Эшбоевич  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Миллий археология маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 20 05 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй). Тел.: (99871) 233-70-81, e-mail: [uzarchae@academy.uz](mailto:uzarchae@academy.uz).

Диссертация билан Миллий археология маркази ва Самарқанд археология институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (5072 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140151, Самарқанд шаҳри, Воҳид Абдуллаев кўчаси, 3-уй). Тел./факс: (99866) 232-15-13).

Диссертация автореферати 2022 йил «29» 04 кун тарқатилди.  
(2022 йил «29» 04 даги «2» рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
**Ф.А. Мақсудов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

*[Signature]*  
**Д.Х. Муродова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н.

*[Signature]*  
**А. Анарбаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳон халқлари маданий интеграциясининг жадаллашуви шароитида инсон омили ва инсон жамиятининг деярли барча жиҳатларини акс эттирувчи маданияти тарихи масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қадимги даврларда яшаган кўчманчи чорвадор ва ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланган халқларнинг дафн маросимлари, диний қарашлари, ўтроқлашуви ва шаҳарлашуви каби ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг хусусиятлари ўзига хос феномен сифатида дунё ҳамжамиятининг диққат марказида туради.

Дунёнинг бир қатор илмий-тадқиқот муассасаларида Марказий Осиё халқларининг моддий-маънавий маданияти тарихи, жумладан, Ўзбекистон шимоли-шарқий ҳудудларининг қадимда инсон томонидан ўзлаштирилиши, бу ерда мавжуд бўлган турли маданиятлар алоҳида мавзу сифатида ўрганилмоқда. Шу муносабат билан мазкур ҳудуднинг шаҳарсозлиги, ҳунармандчилиги ва иқтисодий хўжалиги тарихининг археологик манбалар орқали ўрганилиши муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганишга қаратилган бир қатор тадбирлар кун тартибига долзарб масала сифатида кўтарилган. Оҳангарон водийси маданияти тарихи ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихининг ажралмас қисми саналгани учун ҳукуматимизнинг айрим ҳужжатларида ўз аксини топган бўлиб, уларда халқимизнинг маънавий-маърифий савиясини юксалтиришда тарихий-археологик тадқиқотлар натижаларини юртимиз ва жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш юзасидан кенг кўламли ишларни амалга ошириш кўрсатилган<sup>1</sup>. Бу борада Оҳангарон водийси маданияти тарихини археологик жиҳатдан комплекс ўрганиш миллий маданиятимизни чуқурроқ англашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сонли “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2018 йил 16 январда эълон қилинган “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Ф-5181-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги 792-сон “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, халқимизнинг бой тарихи, моддий ва маданий меросини илмий ўрганиш, тарғиб қилиш ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.11.2018 йил санасидаги ПҚ-4038-сон қарори “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”; <https://lex.uz/docs/4084926>.

бойитиб бориш каби вазифаларни бажаришда мазкур диссертация маълум даражада хизмат қилади<sup>2</sup>.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсининг археологик жиҳатдан ўрганилишида кўплаб археологларнинг тадқиқотлари катта аҳамият касб этади. Жумладан, Д.М. Граменицкий водийнинг Сирдарёга яқин тоғ ёнбағирларидаги мазор-қўрғонларни текширган<sup>3</sup>. Шарқшунос В.В. Бартольд эса водийнинг маъдан конлари, металлургия ишлаб чиқариши билан боғлиқ шаҳарларига эътибор қаратган ва улар ҳақида ўз асарида қисқача маълумотлар берган<sup>4</sup>. Таъкидлаш жоизки, Россия империяси даврида (1867-1917 йй) ўлканинг табиий ер ости маъдан конларига бўлган қизиқишлари<sup>5</sup> туфайли Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсини археологик жиҳатдан ўрганиш, унинг ер ости бойликларини геологик ўрганишга нисбатан анча суст борган. Кўҳисим ёдгорлиги ҳақида маълумот берган геолог С.Ф. Мошковцев ўз мақоласида Қорамозор руда конлари қадимги металлурглр эътиборини ўзига тортгани ҳақида эслаб ўтади.

Собиқ совет ҳокимияти даврида (1917-1991 йй) Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсини ўрганиш ишлари анча жадаллашди. Эндиликда археологик изланишлар геологик қидирув ишлари билан бирга олиб борила бошланди. Воҳадаги Қорамозор руда конларини қидириш учун махсус тузилган Тожик-Помир геологик қидирув экспедицияси таркибида М.Е. Массон бошчилигида археологик гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳ Қорамозор конлари ҳақида ўрта аср ёзма манбаларини тўплаб, ҳудудда жойлашган қадимги руда конлари, руда эритиш печлари ва улар билан боғлиқ қадимги қишлоқ ва шаҳарларни артефактлар асосида ёритди ва

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони; <https://lex.uz/docs/3107036>; 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сонли” Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, <https://lex.uz/docs/3551112>; 2018 йил 16 январь “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойиши; <https://lex.uz/docs/3506332>. 2019 йил 21 сентябрдаги 792-сон “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида” Қарорлари <https://lex.uz/docs/4524476>.

<sup>3</sup> Граменицкий Д.М. Заметки о древних урочищах Туркестанского края // Туркестанские ведомости. – № 12. 1879.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч. II. – Санкт-Петербург, 1900. – С. 169, 172 – 175.

<sup>5</sup> Томилин В.Н. Месторождение медных и свинцовых руд в предгорьях Могол-Тау и Карамазара в Туркестане // Записки Горного института. 1912. Том. IV. Вып. 46 с. 1; Вебер В.Н. Полезные ископаемые Туркестана. – Санкт-Петербург, 1913; Мошковцев С.Ф. Кухи-сим // Геологический вестник Т. V. – Л. 1926. № 1-3, – С. 66-69.

археологик харитага туширди<sup>6</sup>. 1932 йилда П.П. Ивановнинг Оҳангарон водийси тарихи ва руда конларини ўрганишга доир рисоласи эълон қилинди<sup>7</sup>.

Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсининг тарихи ва қазилма бойликларини ўрганишдаги дастлабки муҳим ишлардан бири Б.Н. Наследовнинг “Қарамазар” номли монографиясидир<sup>8</sup>.

XX асрнинг 50-йилларидан Ўрта Оҳангаронда, Илоқ тарихи ва унинг руда конлари билан боғлиқ объектларини ўрганиш иши яна жонланади. Жумладан, М.Е. Массон бу ҳудуд тарихини археологик жиҳатдан ўрганиш ишининг якунига бағишланган қатор мақола ва рисолалар яратди<sup>9</sup>.

1959 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти ҳамда Ўзбекистон тарихи музейи илмий жамоасининг бирлашган археологик гуруҳи тузилди. Шу вақтдан бошлаб Тошкент воҳасини археологик ўрганиш ишларига археолог Ю.Ф. Буряков бошчилик қилади. Ушбу гуруҳ аъзолари Оҳангарон водийсининг қадимги шаҳар ва қишлоқлари, мозор-қўрғонлари, қадимги руда конлари, руда эритиш печлари ҳамда бошқа турдаги ёдгорликларини топиш, уларни харитага тушириш, илмий тавсифлаш билан шуғулланиб, уларнинг баъзиларида археологик қазилмалар ўтказди. Шунингдек, улар Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсининг тарихига оид ёзма манбалардаги маълумотларини тўплаш, уларни археологик ёдгорликлар билан локализация қилиш каби изланишлар билан ҳам шуғулландилар<sup>10</sup>.

Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсининг қадимги ва ўрта асрларга оид қабр қўрғонларини ўрганишда Т. Агзамхўжаевнинг ҳам ҳиссаси каттадир. Унинг ишларида Оҳангароннинг юқори қисмида жойлашган Апартак қабр-қўрғонлари тош уюми остида тўғри тўртбурчак шаклдаги ер ости камералари бўлганлиги, улар гумбазсимон шифтли, камерага узун тор ер ости йўлак (катакомба) орқали кирилганлиги, камерага марҳумлар билан бирга сопол буюмлар, бронза, шиша ва олтин мунчоқ ҳамда бошқа ашёлар қўйилганлиги қайд қилинган. Бу топилмалар археологик таҳлилга кўра, илк ўрта асрлар даврига тегишли эканлиги аниқланган<sup>11</sup>.

Мустақиллик йилларида Ангрэн-Поп темир йўлининг қурилиши муносабати билан йўл атрофларида қидирув ишлари олиб борилди<sup>12</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон-Польша-Россия давлатларининг халқаро кўшма

<sup>6</sup> Массон М.Е. Из истории горной промышленности Таджикистана. Былая разработка полезных ископаемых // Материалы Таджикско-Памирской экспедиции. Вып. XX. – Ленинград, 1934. 105 с.

<sup>7</sup> Иванов П.П. К истории развития горного промысла Средней Азии. – Москва - Ленинград, 1932. 81 с.

<sup>8</sup> Наследов Б.Н. Карамазар. – Ленинград, 1934. 142 с.

<sup>9</sup> Массон М.Е. К истории горного дела на территории Узбекистана. – Ташкент, 1953; Ўша муаллиф. Ахангаран. Археолого-топографический очерк. – Ташкент, 1953. 149 с.

<sup>10</sup> Массон М.Е. Ахангаран... – С. 105, 145; Буряков Ю.Ф., Касымов М.Р., Ростовцев О.М. Археологические памятники Ташкентской области. – Ташкент, 1973. – С. 106.

<sup>11</sup> Агзамхожаев Т. Погребальные сооружения Чирчик-Ангрэнской долины I-VIII вв. н. э. Автореф. канд. дисс. Ташкент, 1966. – С. 16.; Буряков Ю.Ф. и др. Археологические памятники Ташкентской области. – Ташкент, 1973, – С. 78, пункт № 534.

<sup>12</sup> Анарбаев А.А., Баратов С.Р., Буряков Ю.Ф., Э Вульфферт. Археологические разведка исследования по железнодорожной трассе Ангрэн-Пап // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2012 йил. № 9. – Б. 17-25.

археологик тош даври экспедицияси аъзолари томонидан<sup>13</sup> Эртошсой ва Каттасой хавзаларида археологик қазилмалар олиб бориш вақтида Юқори Оҳангарон хавзасининг қадимги ва ўрта асрларга оид археологик ёдгорликлари ҳам тадқиқ этилган.

Шу билан бирга Тошкент воҳаси тарихи ва маданияти, археологик ёдгорликлари асосида Д. Нормуродов<sup>14</sup>, О. Иномов<sup>15</sup>, С. Илясова, Э. Ф. Вульфертлар<sup>16</sup> томонидан илмий тадқиқот ва қазилма ишлари олиб борилган.

Умуман, Оҳангароннинг юқори қисмида олиб борилган кўпгина археологик изланишлар дастлабки қидирув характерида бўлиб, рўйхатга олинган ёдгорликларда кенг кўламли археологик қазилмалар олиб борилмаган. Объектларнинг тўлиқ тавсифи, уларнинг характери очилмаган. Ёдгорликлар ўз хусусиятларига кўра тизимлаштирилмаган ва хронологик шкаласи ишлаб чиқилмаган. Тоғ тизмалари ёнбағирларида ва сой хавзаларида яшаган чорвадор қабилаларнинг ўтроқлашиш жараёнлари ва умумий хўжалик юритиш хусусиятлари бўйича изланишлар олиб борилмаган. Бу каби масалалар, ўз навбатида, жиддий изланишлар ва кенг қамровли археологик тадқиқотларни талаб этарди. Шу мақсадда археолог, А. Аскарлов бошчилигида 2009-2020 йилларда Оҳангароннинг юқори қисмида кенг кўламда қазилма ишлари олиб борилди<sup>17</sup>.

Юқорида айтилган тарихий, археологик жараёнларни янгирақ қарашлар, археологик қазилмалар ва ёндашувлар асосида таҳлил қилиш, ўрганиш ушбу мавзунинг бугунги кундаги ўрганилиш ҳолатини кўрсатади. Булар хусусида диссертациянинг тегишли боб ва параграфларида батафсил тўхталиб ўтилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Миллий археология маркази ҳамда Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ UI-ФА-0-83416 сонли “Археологик объект Эртош-Дўлана ёдгорлигини тадқиқ этиш ўзбек халқининг этногенез тарихини ўрганишда бирламчи манба”

<sup>13</sup> Хўжаназаров М., Кот М., Шимчак К., Павленок К., Павленок Г., Холматов А. Ўзбекистон-Польша-Россия тош даври экспедициясининг 2018-2019 йилларда олиб борган археологик тадқиқотлари хусусида // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. 2020 йил. № 12. – Б. 336-345.

<sup>14</sup> Нормуродов Д.Р. Тошкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий маданияти (милоддан аввалги XIII-милодий XIII аср бошлари) Дис... тарих фани бўйича фалсафа доктори (PhD) – Тошкент, Ўз Р ФА.ТИ, 2020. 194 б.

<sup>15</sup> Иномов О.У. Қовунчи маданияти ва унинг ўзбек халқининг шаклланишидаги роли. Дис... тарих фани бўйича фалсафа доктори (PhD) – Тошкент, Ўз Р ФА.ТИ, 2019. 164 б.

<sup>16</sup> Илясова С.Р., Вульферт Э.Ф. Исследования на памятнике Шодмалик-ота в 2018-2019 гг. (Ахангаранский район, Ташкентская область). Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. – Самарқанд. 2020. 12-сон. – Б. 111-129.

<sup>17</sup> Аскарлов А., Иномов О., Исабеков Б. Комплекс погребальных памятников “Дуланабулак” в верховьях реки Ахангарана и его изучение // Традиции Востока и Запада в античной культуре Средней Азии, – Ташкент, 2010. – С. 73-83., Исабеков Б.И. Қовунчи маданияти этник гуруҳлари Чотқол ва Қурама тоғ чўққилирида // “ЎЗМУ хабарлари” журнали, 2018 йил 1/2-сон. –Б. 32-35., Матякубов Х., Нормуродов Д., Исабеков Б., Исмаилов У. “Эртош Дўлана” ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар. – Самарқанд. 2020. № 12. – Б. 153-163., Исабеков Б. Ўралитепа диний ибодат мажмуаси // “Олий таълимда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари” мавзусида илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 127-131.

мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган (2019-2020йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Оҳангарон водийси аҳолисининг қадимги ва ўрта асрлар даври дафн маросимлари, диний қарашлари ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётини археологик тадқиқотлар орқали ёритишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Археологик қазув ишлари давомида қўлга киритилган материаллар асосида Оҳангарон водийси ўзлаштирилишининг тарихий илдизларини аниқлаш;

Оҳангарон дарёси юқори оқимларидаги сув ҳавзалари бўйлаб ёйилган қадимги чорвадор қабилалар маданияти, уларнинг умумий хўжалик юритиш тарихини археологик манбалар асосида тиклаш;

Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсининг қадимги ва ўрта асрлар даврига тегишли турли хил археологик ёдгорликларини аниқлаб, уларнинг мажмуасини яратиш;

Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсининг Қовунчи маданиятига тегишли янги очилган, турли типдаги мазор-қўрғонлари, улардаги дафн маросимлари ва диний тасаввурларни илмий таҳлил этиш;

Юқори ва Ўрта Оҳангарон археологик объектларида олиб борилган тадқиқотларда қайд этилган топилмаларнинг таснифини ишлаб чиқиш;

Ўрта Оҳангарон ҳавзасидаги Суюрлитепа археологик ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқот ишларида қўлга киритилган маълумотларни илмий муомалага киритиш;

Ўрта Оҳангарон водийси шаҳарсозлик, қурилиш-меъморчилик, ҳунармандчилик маданияти билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

Оҳангароннинг юқори қисмидаги Ўралитепа ва Ўрта Оҳангарон ҳавзасида жойлашган Суюрлитепа диний ибодатхоналарини ўрганиш ва тарихий таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Тошкент воҳасининг таркибий қисми ҳисобланган Оҳангарон водийсининг қадимги ва ўрта асрлар даври мазор-қўрғонлари ва кўҳна шаҳар ёдгорликлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Оҳангарон водийсининг дафн ва диний иншоотлари ҳамда урбанизацияси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, хронологик-даврлаштириш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Оҳангарон водийсидаги Юқори Чинор, Дўланабулоқ, Тайпан, Туркушин ва Эртош-Дўлана мазор-қўрғонларидан олинган археологик материаллар асосида устида тош қопламаси бўлган вертикал катакомба ва йўлаги перпендикуляр бўлган горизонтал катакомба каби икки қабр тури аниқланиб, улардан топилган кулолчилик мажмуаларига кўра барча қабрларнинг Қовунчи маданиятига тегишли бўлгани исботланган;

Оҳангарон водийсидаги Суюрлитепа ва Ўралитепа ёдгорликларидан олинган археологик материаллар – оташпарастлик динига оид

оташкадаларнинг (махсус ўчоқ) аниқланиши, “муқаддас” саналган оловдан қолган кулларнинг ўраларда сақланиши ва оташпарастилик ибодатларида қўлланилган сопол тутатқиларнинг топилиши асосида бу ёдгорликларнинг оташпарастилик ибодатхоналари бўлгани исботланган;

Суюрлитепа ёдгорлиги тарихий-топографик белгиларга кўра арк (хукмдор саройи), тўрт қисмдан иборат шаҳристон (шаҳарнинг ички қисми), рабод (шаҳар теграси) ва диний марказдан (оташпарастилик ибодатхонаси) иборат бўлганидан унинг урбанизацияга тортилганлиги (шаҳарлашгани) ҳамда унинг IV асрдан XI-XII асрларгача Кандир довони йўлидаги илк йирик шаҳар бўлганлиги далилланган;

Тошбулоқ ва Ўралитепада аниқланган буғдой, нўхот, шоли донлари қолдиқлари, кўплаб тегирмон тошлари ҳамда ёрғучоқлар каби артефактларга кўра Оҳангарон водийсидаги Қовунчи маданиятига тегишли қабилаларнинг биринчи минг йиллик бошларида кўчманчи чорвачилик хўжалик туридан ўтроқ деҳқончилик иқтисодиётига ўтганлиги (ўтроқлашуви) асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

Юқори ва Ўрта Оҳангаронда чорвадор аҳолининг мозор-қўрғонлари, диний эътиқод объектлари ўрганилиб, бу давр тарихи ва маданиятига доир бой ашёвий далиллар илмий муомалага киритилган;

Оҳангарон водийсидаги Суюрлитепа ёдгорлигининг ўрганилиши натижасида Тошкент воҳасида янги оташпарастилик ибодатхонаси ва кўҳандиз аниқланган;

Оҳангарон водийсининг илк, ўрта ва ривожланган ўрта асрлар даври сиёсий-мафкуравий пойтахти масаласида янги хулосалар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотдаги ҳар бир масала тарихий ва археологик илмий адабиётлардан фойдаланилганлиги, моддий манбалар билан таққосланганлиги, дала экспедиция ишларида қўлга киритилган археологик материаллар, тарих ва археология фанида тан олинган усуллар, шунингдек, назарий ва услубий ёндашувларнинг қўлланилганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўрта ва Юқори Оҳангарон водийсидаги ўтроқлашаётган аҳоли маданиятининг шаклланиши, унинг моддий ва маънавий маданиятидаги ўзгаришлар ушбу ҳудуд аҳолисининг тарихига оид маълумотларни бойитишга, ўрганишга доир назарий хулосалар ҳамда услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондларини янги археологик топилмалар билан тўлдиришга, олий ўқув юртлари талабалари учун кўп жилдли Ўзбекистон тарихининг фундаментал академик нашрлари, жумладан, “Ўзбекистон тарихи”, “Тарихий ўлкашунослик”, “Археология”, “Ўзбек халқининг этник шаклланиши”,

“Марказий Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар даври шаҳарлари” каби дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оҳангарон водийсидаги Юқори Чинор, Дўланабулоқ, Тайпан, Туркушин ва Эртош-Дўлана мазор-қўрғонларидан олинган археологик материаллар асосида устида тош қопламаси бўлган вертикал катакомба ва йўлаги перпендикуляр бўлган горизонтал катакомба каби икки қабр тури аниқланиб, улардан топилган кулолчилик мажмуидан, жумладан, қўлда ишланган кулолчилик буюмлари, тақинчоқлар, қўл тегирмонлар, қурол-яроғлар каби топилмалар Ўзбекистон тарихи давлат музейининг “Ўзбекистон худудида давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши бўлими” экспонатларини бойитишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 16 ноябрдаги 3/1255-3178-сонли маълумотномаси). Натижада Оҳангарон водийси қадимий дафн удумлари, ҳунармандчилиги, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тўғрисида музейга ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун ишончли маълумотлар бериш имконияти яратилган;

Оҳангарон водийсидаги Суюрлитепа ва Ўралитепа ёдгорликларидан олинган археологик материаллар – оташпарастлик динига оид оташкадаларнинг (махсус ўчоқ) аниқланиши, “муқаддас” саналган оловдан қолган кулларнинг ўраларда сақланиши ва оташпарастлик ибодатларида қўлланилган сопол тутатқиларнинг топилиши асосида бу ёдгорликларнинг оташпарастлик ибодатхоналари бўлгани, Суюрлитепа ёдгорлиги тарихий-топографик белгиларга кўра арк (ҳукмдор саройи), тўрт қисмдан иборат шаҳристон (шаҳарнинг ички қисми), рабод (шаҳар теграси) ва диний марказдан (оташпарастлик ибодатхонаси) иборат бўлганидан унинг урбанизацияга тортилганлиги (шаҳарлашгани) ҳамда унинг IV асридан XI-XII асрларгача Кандир довони йўлидаги илк йирик шаҳар бўлганлиги, Тошбулоқ ва Ўралитепада аниқланган буғдой, нўхот, шоли донлари қолдиқлари, кўплаб тегирмон тошлари ҳамда ёрғучоқлар каби артефактларга кўра Оҳангарон водийсидаги Қовунчи маданиятига тегишли қабилаларнинг биринчи минг йиллик бошларида кўчманчи чорвадорлик хўжалик туридан ўтроқ деҳқончилик иқтисодиётига ўтганлиги (ўтроқлашуви) ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Mavzu”, “Moziydan sado”, “Ko‘hna manzillar”, “Bir qishloq tarixi” каби кўрсатувларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканали давлат унитар корхонасининг 2021 йил 9 декабрдаги 02–40–1848-сон маълумотномаси). Натижада Оҳангарон водийси шаҳарсозлиги, диний эътиқодлари, кўчманчи турмуш тарзидан ўтроқ турмуш тарзига ўтиш жараёнлари тўғрисидаги ишончли маълумотлар бериш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 7 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва унга 71 та иллюстратив материаллардан иборат альбом илова қилинган. Ишнинг умумий ҳажми 156 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Юқори Оҳангарон водийси ёдгорликларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар”** деб номланган. Унинг **“Оҳангарон водийсининг табиий географияси ва унинг археологик жиҳатдан ўрганилиши”** деб номланган биринчи параграфиди Оҳангарон водийсининг тоғ тизмалари, тупроқлари, асосий дарёлари, фойдали қазилмалари, ўсимлик дунёси, Юқори Оҳангарон ҳавзасида жойлашган катта ва кичик сойлар, уларнинг сув ресурслари, шунингдек Оҳангарон водийсининг асосий тоғ тизмалари бўлган Чотқол, Қурама тоғлари ва уларнинг этимологияси ҳақида маълумотлар келтирилади.

Оҳангарон водийсида олиб борилган археологик изланишлар натижаларига кўра, водийнинг тоғли ҳудудлари қадимги тош даврдан эътиборан, ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилганлиги исботланган. Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларида тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларига оид кўплаб манзилгоҳлар аниқланган<sup>18</sup>.

Оҳангарон водийсида олиб борилган археологик изланишлар давомида руда конлари билан боғлиқ 17 та жойда қадимги ва ўрта асрлар даврига оид шаҳар харобалари, 114 жойда қишлоқ маконлари, 7 жойда қадимги руда конлари ва руда эритиш устахоналарининг печлари, рудаларнинг ер юзасида сочилиб ётган тошқоллари аниқланган<sup>19</sup>.

Ю.Ф. Буряков томонидан Лашкарак<sup>20</sup>, Кўшбулоқ, Тоғберди ва Гулдурама<sup>21</sup> қадимги руда конлари, Гуштсой, Кендирсой, Қизилолмасой,

<sup>18</sup> Буряков Ю.Ф., Касымов М. Р., Ростовцев О.М. Археологические памятники Ташкентской области. – Ташкент, 1973. – С. 76-100.

<sup>19</sup> Нормурадов Д.Р. Ташкент воҳасининг қадимги ва ўрта асрлар даври моддий ... – Б. 44-48.

<sup>20</sup> Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака. – Москва, 1974. – С. 20.

Самарчук, Кўкрал ва Намудлиғда қадимда ўзлаштирилган металл ишлаб чиқариш пунктлари топилган<sup>22</sup>. Минтақа конларининг кенг кўламли ўзлаштирилиши антик давр, айниқса, сўнгги антик ва илк ўрта асрлар даврига тўғри келади. Илоқ ҳудудида руда конларини топиш ва ўзлаштириш VII–VIII асрларда янада ривож топади. IX–X асрлар эса минтақада металлургия хунармандчилигининг гуллаб-яшнаган даври бўлиб, XI аср бошларида бу соҳада бироз чекиниш юз беради. Аммо XI асрнинг ўрталаридан то Чингизхон ҳарбий юришларига қадар металлургия ишлаб чиқариш соҳаси Илоқ ҳаётида давлат аҳамиятига молик етакчи хўжалик йўналишига айланган эди.

Ушбу бобнинг **“Юқори Чинор ёдгорликлари”** деб номланган иккинчи параграфида Оҳангарон дарёсининг юқори оқими, Чинор қишлоғининг яқинида, Консой ва Ингичкасойлар оралиғида топиб ўрганилган мазор-қўрғонлар объект “А” ва “Б” га бўлиб тавсифланган. Объект “А”дан ҳаммаси бўлиб 5 та қабр аниқланган бўлиб, уларнинг барчаси горизонтал катакомбали қабрлардан иборат. Қабрлардан чиққан дасталари шохдор кўчқор шаклида безатилган ашёвий далиллар ушбу мазорни қадимги Тошкент воҳасининг антик даврига хос Қовунчи маданиятига тегишли эканлигини кўрсатди<sup>23</sup>. Объект “А” нинг сопол ёки кулолчилик мажмуаси кўпроқ Қовунчи II мажмуаси материалларидан иборат бўлиб, уларни милодий I–IV асрлар бошлари билан даврлаштириш мумкин.

Дўланабулоқ ёдгорликлар мажмуасининг Объект “Б” пунктида 5 та мазор-қўрғон ўрганилиб, уларнинг устки тош қопламаси остидан вертикал катакомба типигаги қабрларни эслатади. Лаҳад олди айвонлар кенг ва чуқур бўлиб, уларнинг туби лаҳад туби билан бир чуқурликда, ҳар хил катта ва кичик ҳажмдаги тошлар билан тўлдириб чиқилган. Барча қабрларнинг ички тузилиши овалсимон бўлиб, айримлари тўғри тўртбурчак шаклда, лаҳаднинг шифти ясси гумбазсимон эканлиги аниқланди. Лаҳадда ётган скелетларнинг аксарияти боши жануби-шарққа, баъзилари шимолга қаратилган. Қабрларнинг оилавий эканлиги кузатилади. Объект “Б” қабристонидан топилган сопол идишларни таркибига кўра, Қовунчи маданиятининг биринчи босқичи<sup>24</sup> билан даврлаштириб мил. авв. II- милодий II-асрларга оид дейиш мумкин.

Ушбу бобнинг **“Тайпан ва Турқушин қабрлари”** деб номланган учинчи параграфи Чотқол тоғлари ёнбағридан топилган. Тайпан ва Турқушин мазор-қўрғонларини ўрганиш жараёнида бу ердан битта катакомбали қабр топилди. Катакомбага йўлак перпендикуляр қурилган. Бундай кўринишдаги қабрлар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ҳам

---

<sup>21</sup> Ўша жойда – 28.

<sup>22</sup> Ўша жойда – 29-43.

<sup>23</sup> Аскарлов А., Иномов О., Исабеков Б. Комплекс погребальных памятников “Дуланабулак”... – С. 73-83.

<sup>24</sup> Левина Л. М. Керамика Нижней и Средней Сырдарьи в I тысячелетии н. э. – Москва, 1971. – С. 178-184. Рис. 59. 1-134, Бураков Ю.Ф. Археологические материалы городища Кавардан. // ИМКУ. – Ташкент, 1977. – Вып. 13. – С.70-86. Рис. 1.

кўплаб топилган<sup>25</sup>. Ушбу қабрдан топилган скелетлар ва ашёвий далилларнинг илмий таҳлилига кўра, бу қабр оилавий хилхона бўлганлиги, аҳолининг моддий маданиятида чорвадор аҳоли маданиятининг ўзига хос жиҳатлари кузатилди. Топилмалар орасидаги сопол идишлар дасталарида, ҳайвонлар қиёфаси<sup>26</sup> акс эттирилган идишларнинг мавжудлиги Қовунчи маданиятига тегишли эканлигини кўрсатади. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Тайпан ва Турқушин мазор-қўрғонларининг пайдо бўлиши бир вақтга, яъни Қовунчи маданиятининг иккинчи босқичига (Қовунчи II) тўғри келади<sup>27</sup>.

Ушбу бобнинг **“Эртош-Дўлана қабристонини”** деб номланган тўртинчи параграфида, Чотқол тоғ дараларидан Оҳангарон дарёсига келиб қўшилган Эртошсойнинг юқори оқимида топилган қадимий Эртош-Дўлана қабристонидан 7 та катакомбали қабрлар топилди. Эртош-Дўлана қабрларининг ички тузилиши овалсимон, шифтлари эса гумбазсимон қилиб ясалган. Мазор-қўрғонларнинг тузилишида ҳудуднинг географик ҳолати, ер рельефи ҳисобга олиниб, ер юзасидан 3,75-4,50 м. чуқурликда жойлашган. Қабр дромосга перпендикуляр жойлашган. Йўлак, асосан, лаҳаднинг жанубий ва жануби-ғарбидан қазилган. Йўлак оғзига битта ёки бир нечта ясси тошлар териб ёпилган. Қабрлар оилавий хилхона бўлиб, уларда 3-5 тагача жасадлар қўйилган. Эртош-Дўланадан топилган барча артефактлар, айниқса, идиш балдоғларининг шохдор кўчқор кўринишида ишлаганлиги қабристон Қовунчи II (милодий II-IV асрлар)га оид эканлигини тасдиқлади.

Умуман, Юқори Оҳангарон ҳавзаси ҳудудий доирасида Қовунчи маданиятига тегишли қатор янги мазор-қўрғонларнинг кашф этилиши ва ўрганилиши чорвадор жамоаларнинг антик, айниқса, илк ўрта асрларда Оҳангарон водийсининг тоғли ҳудудларига жадал кириб келганлигидан далолат беради. Қабрлардан топилган бой ашёвий далиллар характериға кўра, чорвадор аҳолиға тегишли бўлиб, улар ҳаётида ўтроқлашиш жараёнлари кўзга ташланади.

Ушбу бобнинг **“Ўралитепа диний ибодат объекти”** деб номланган бешинчи параграфида Чотқол ва Қурама тоғлари оралиғидан оқиб ўтган Эртошсойнинг юқори қисмида, ўнг соҳил бўйлаб қад кўтарган адирликда жойлашган. Ёдгорликнинг функционал характери, бу жойдан топилган ашёвий далиллар ва турли диний тасаввурларға хос синкретик белгилар, ярим ўтроқ, ярим чорвадор ҳаёт тарзини бошидан кечираётган тоғликларнинг диний маркази, бир қишлоқ доирасида таркиб топган махсус диний маросимлар ўтказадиган жой эканлиги борасида далиллар келтирилган. Бу ёдгорлик олов билан боғлиқ зиёратгоҳдир. Бу объектнинг тик баланд табиий дўнглик устиға жойлашганлиги, тош терилган муқаддас майдони куёш чиқар

<sup>25</sup> Алимов Ў., Алимов Қ. Кавардон ва Бўқада ўтказилган қазилмалар // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1994. № 34. – Б.71.

<sup>26</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1982. – С. 75-76

<sup>27</sup> Исабеков Б.И. Қовунчи маданияти этник гуруҳлари Чотқол ва Қурама тоғ чўққилирида // Ўзбекистон Миллий университети хабарлари. – Тошкент, 2018. – № 2. – Б. 32-35.

томонга, обихаёт манбаи – Эртошсойга қаратиб қурилганлиги, ер юзасига тош терилганлиги, тошлар маълум тартибда, айлана шаклида ётқизилганлиги, тошлари юзасида олов излари, кул ва майда кўмир куйинди кул қатлами учраши, айлана тошлари орасида 30 дан ортиқ тош ёрғучоқларнинг топилиши, тош ғовнинг шарқий қисмида оппоқ кул қатламли, унинг ғарбий бўлагида ғалла ўраларининг аниқланиши, тош майдончага ётқизилган тошлар орасида тош ёрғучоқ бўлақлари, баъзида тош ҳовонча дасталари, аргиллит тошлардан ясалган найза учли ҳовончасимон тош тумор синиқлари, тош ғов чуқурчаси ичидан кул ва кўмир парчалари, бир неча тош ва сопол урчуқтошлар, майда шохли ҳайвонларнинг ошиқ ва сиртига пардоз берилган илик суяқлари, мунчоқ сифатида тақиб юрилган йиртқич ҳайвон тишлари, тош тумор ва тош мунчоқларнинг топилиши унинг синкретик диний характерини кўрсатади. Шунинг учун Ўралитепа ёдгорлиги кичик қишлоқ доирасида таркиб топган махсус диний маросимлар ўтказилган жой деган илк тахмин илгари сурилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ўрта Оҳангарон водийси шаҳар типидagi ёдгорликларининг ўрганилиши**” деб номлаган. Унинг “**Тункат-Имлоқ кўҳна шаҳар харобаси ва унда олиб борилган археологик қазималар**” деб номланган биринчи параграфида Оҳангарон водийсининг ўрта оқимида бизгача 9 та шаҳар харобалари, 74 та қишлоқ маконлари ва деҳқон қасрлари, 3 жойда қоятош суратлари, 4 жойда қадимги тош даври ёдгорлиги, 38 пунктда мозор-қўрғонлар, 15 жойда руда конлари, 27 жойда металлургия ва турли хил қурол ишлаб чиқариш устахоналари, 15 жойда металл эритиш кўралари ва бошқа ёдгорликлар ҳақида маълумотлар берилган<sup>28</sup>. Бу ҳудуд ўз навбатида Оҳангарон водийсининг қадим ва ўрта асрларда иқтисодий-хўжалигининг маъдан ишлаб чиқариш тармоқлари юксак даражада ривожланган ишлаб чиқариш маркази ҳисобланган.

Оҳангарон водийси ҳудудининг Обиз қишлоғида жойлашган қадимги Тункат шаҳар харобаси ҳақидаги айрим мунозарали хулосаларга аниқликлар киритиш мақсадида кўшимча изланишлар амалга оширилди.

Тункат Ўрта Оҳангарон водийсининг тоғ саноати, яъни қора ва рангли металл хомашёси ишлаб чиқаришга ихтисослашган марказий шаҳридир. У ўрта аср ёзма манбаларида Имлоқ деб аталган. Имлоқ ҳақида археологик материалларни М.С. Андреев<sup>29</sup>, С.Ф. Мошковцев<sup>30</sup>, 1928 йили П.Т. Князевлар ёдгорлик тепасида тўпланган тошқоллар уюмини кузатиб, бу жой металлургиялар шаҳри бўлган, деган хулосага келади. 1929 йилда объект билан М.Е. Массон танишиб, 1934 йилда В.Д. Жуков билан биргаликда унинг тарихий топографияси тавсифини беради<sup>31</sup>. 1959-1961 йилларда Ю.Ф. Буряков ёдгорликнинг бир неча жойида катта-кичик ҳажмдаги

<sup>28</sup> Буряков Ю.Ф., Касимов М.Р., Ростовцев О.М., Археологические памятники... – С. 77-100; Буряков Ю.Ф. Горное дело ... – С. 43-70.

<sup>29</sup> Андреев М.С. Местности в долине Ангrena, интересные в археологическом отношении // Известия общ. еств. археологии, истории и этнографии при Казанском университете. Том XI. Вып. 6. – Казан, 1993.

<sup>30</sup> Мошковцев С.Ф. Загадочный рудник Кухисим. Теологический вестник Том V, – Ленинград, 1926, № 1 - 3. – С. 67.

<sup>31</sup> Массон М.Е. Ахангаран... – С. 70-93.

археологик изланишлар олиб боради<sup>32</sup>. Ю.Ф. Буряков хулосасига кўра, Тункатнинг шимоли-ғарбий бурчагида 5 гектарли кўхандиз жойлашган. Ундан шарқда VI–VII асрларда атрофи мудрофаа деворлари билан ўраб олинган 12,5 гектарли Шахристон<sup>33</sup> ва унинг жанубий ва шарқий томонларида 30 гектардан кам бўлмаган рабат мавжуд бўлган<sup>34</sup>. Ю.Ф. Буряков, айнан, шу асрларда Аркнинг 100 м<sup>2</sup>. дан кам бўлмаган платформаси устида монументал меъморий мажмуалар қад кўтаради. Шахристон ичида эса металлургия хунармандчилиги устахоналари шаклланади. IX–X асрларда шаҳар майдони кенгайиб, унинг шахристон майдони 17,5 гектарга, шаҳарнинг умумий майдони эса (Арк, Шахристон ва Рабат) 180 гектарга етаган<sup>35</sup>, деган хулосаларга келган.

Ю.Ф. Буряков томонидан Тункат (Имлок) бўйича нашр қилган илмий ишларни чуқур ва атрофлича ўрганиб<sup>36</sup>, М.Е. Массон ва Ю.Ф. Буряков Илокнинг пойтахти Тункат, деб аталган ёдгорлик билан танишишга тўғри келди. Изланишлар натижасида илмий мақола эълон қилинди<sup>37</sup>. Улар кўхандиз деб атаган тепаликдан (Тункатнинг ғарбий томони) ҳеч бир из қолмаган эди. Шундай қилиб, Ю.Ф. Буряков ёдгорликнинг ҳар хил жойларида олиб борилган уч йиллик археологик изланишлари натижаларига кўра, Тункат дастлаб қишлоқ сифатида милодий IV–V асрларда таркиб топган. Биринчи минг йилликнинг ўрталаридан металлурглр шаҳрига айланганлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди. Бироқ, Тункатнинг шимоли-ғарбий бурчагида ташкил топган 5 гектарли кўхандиз ўз исботини топмади.

Кўхандиздан шарқда VI–VII асрларда атрофи мудрофаа деворлари билан ўраб олинган 12,5 гектарли “шахристон”<sup>38</sup> ва унинг жанубий ва шарқий томонларини 30 гектардан кам бўлмаган рабат ўраб олган жойлар<sup>39</sup> ҳам аслида Тункатнинг мулкдор деҳқонларига тегишли даҳалар бўлганлиги кузатилди.

Тункат ўз тарихий топографиясига кўра, асрлар давомида юзлаб мулкдор деҳқонлар\* мулки, бир шаҳар ҳудудий доирасида жамланган бадавлат деҳқонлар кўрғонлари тизимидан иборат. Тункат Илок давлатининг рангли ва қора металл хомашёлари ишлаб чиқариш маркази, металлурглр шаҳри эканлиги кузатилди.

---

<sup>32</sup> Буряков Ю.Ф. Археологические материалы по истории Тункета и Абрлига. В кн. “Материалы по истории Узбекистана” – Ташкент, 1966, – С. 76-123.

<sup>33</sup> Буряков Ю.Ф. Археологические материалы... – С. 80.

<sup>34</sup> Буряков Ю.Ф. Археологические материалы... – С. 81

<sup>35</sup> Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы... 1982, – С. 35.

<sup>36</sup> Буряков Ю.Ф. Археологические материалы по истории Тункета и Абрлыга // Материалы по истории Узбекистана. – Ташкент, 1966. – С. 80-82; Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент, 1982. С. 30-35.

<sup>37</sup> Аскарлов А., Исабеков Б. К вопросу о локализации столицы средневекового владения Илак // Проблемы древней и средневековой истории Чача. Шамсиддин Камолитдин (ред.). Lambert Academic Publishing. – Saarbrücken 2013. – С. 345-355

<sup>38</sup> Буряков Ю.Ф. Археологические материалы ... – С. 80.

<sup>39</sup> Ўша жойда... – С. 81.

\* Бу ерда деҳқон деганда қишлоқ ва ер майдони эгалари, хунарманд усталарнинг етакчилари назарда тутилмоқда. Улар асосан металлургия, темирчилик, тоғ-қон саноати билан шуғилланган

Тункат топографиясига диққат билан назар ташланса, қуйидаги манзара яққол кўзга ташланади: ҳар бир мулкдор деҳқон мулки алоҳида металл ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш қўрғони, бир вақтни ўзида савдо карвонсаройидан иборат. Уларнинг ҳар бири алоҳида мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Карвонсаройга кириш дарвозаси мудофаа чизигининг шарқий ёки жанубий деворини кесиб ўтган. Мудофаа девори бўйлаб ҳар хил катта-кичикликдаги тепаликлар бўлиб, улар орасида биттаси катта ва кенглиги билан бошқалардан ажралиб туради. Тепаликларнинг энг йиригида мулкдор деҳқон қасри жойлашган деб ҳисоблаш мумкин. Қолганларида эса омборхона ва мусофирхоналар, дўконлар, меҳнат ва ҳарбий ҳамда турли хўжалик асбоб-усканаларини ишлаб чиқариш устахоналари жойлашган бўлиши мумкин. Карвонсарой ички майдонининг бир қисми текис пастлик-карвон ҳайвонлари учун жой бўлиб, унинг қолган қисмида қандайдир қурилма қолдиқлари – пастқам дўнгликлар ҳосил бўлган. Бундай топографик манзара Тункатда кузатилган барча деҳқон қўрғонлари, яъни ҳар бир савдо карвонсаройлари учун характерлидир.

Тункатнинг шимоли-шарқий қисмидан то Отчопарсойгача руда тошқоллари уюми чўзилган. Жанубий қисми, яъни ёдгорликнинг ғарбдан шарққа томон (Совуқбулоқсойдан Отчопарсойга) кесиб ўтган магистрал каналгача бўлган қисмини металлурглarning қаср-қўрғонлари эгаллаган. Бундай манзара магистрал канал бўйлаб ғарбда то Совуқбулоқсойгача давом этади<sup>40</sup>. Бу деҳқон қўрғонлари ҳам маҳаллий мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ҳар бир деҳқон қўрғонига алоҳида кириш дарвозаси бор. Улар ички ва мудофаа режасига кўра, Тункат шахрининг “Кўҳандиз” ва “Шахристон” деб аталмиш қисмида жойлашган деҳқонларнинг қўрғонларидан фарқ қилмайди.

Тункатнинг қуйи қатламидан топилган археологик материаллар, айниқса, унинг сўнгги антик ва илк ўрта асрларга тегишли кулолчилик буюмлари Тошкент воҳасида кенг тарқалган Қовунчи маданиятининг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларини акс эттиради. Юқори қатлам материаллари эса сомонийлар ва қорахонийлар даврига тегишлидир.

Қазишмалар жараёнида Тункатнинг “рабат”, деб хато аталган қисмида руда эритиш печларидан бири очиб ўрганилди. Қазишма жараёнида металл тошқоллари, юпқа пишиқ ғишт парчалари, сопол қувур синиқлари, синган тош плитачалари ва руда тошқоллари топилди. Ғиштлар квадрат шаклида, ўлчами 17x17x3 см. Ғишт сомонийлар даврининг 40x40x4 см. ўлчамли квадрат ғиштарининг митти нусхасига ўхшайди. Эҳтимол, улардан руда эритиш кўрасининг деворини тиклашда фойдаланилган.

Шундай қилиб, ушбу объектда ҳар хил даврда иккита руда эритиш печлари фаолият кўрсатгани маълум бўлди. Пастки ярус печи атрофидан оқ фонли сарғиш нақш берилган сопол парчаларининг топилиши эса уни сомонийлар даври печи эканлигига ишора қилади. Юқори горизонт печи эса

---

<sup>40</sup> Буряков Ю.Ф. Археологические материалы... – С. 95.

топилган сопол идиш намуналари ва пишиқ ғиштлар ўлчамига кўра, қорахонийлар даврига тегишли эканлигидан далолат беради.

Тункатнинг тарихий топографиясини ўрганиш мақсадида олиб борилган изланишлар давомида маълум бўлдики, Тункатнинг шимоли-ғарбий қисмида металлургия соҳаси билан шуғулланувчи мулкдор деҳқонларнинг мулклари кўпроқ жойлашган. Бизнинг кузатувимизга кўра, шаҳарнинг бу қисмида, асосан, металл хомашёсидан турли меҳнат ва ҳарбий қурооллар, кундалик хўжалик асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш устахоналари жойлашган. Чунки Тункатнинг бу қисмида баланд осмонўпар тошқол уюмлари учрамайди<sup>41</sup>.

Юқорида баён этилган маълумотлар Тункат шаҳри Илоқ давлатининг нафақат сомонийлар ва қорахонийлар даврида, ҳатто илк ўрта асрларда ҳам пойтахт шаҳри бўлмаган, балки металлургия ишлаб чиқариш ҳунармандчилик хўжаликлари билан боғлиқ марказий ишлаб чиқариш шаҳри эканлигидан далолат беради.

Ушбу бобнинг **“Суюрлитепанинг визуал тарихий топографияси”** деб номланган иккинчи параграфида Оҳангарон водийси, яъни Илоқ давлатининг пойтахт шаҳри аслида Тункатдан 17 км.ларча шарқда, Оҳангарон дарёсининг чап томонида жойлашган Суюрлитепа бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар берилган<sup>42</sup>. Суюрлитепа Илоқнинг пойтахт шаҳри сифатида, ўзининг асл тарихий топографияси, сиёсий ва маъмурий маҳкамачилик тизими объектлари, муҳофаа ва монументал салобати билан ижтимоий ва иқтисодий ҳамда марказий диний-маданий объектларининг мавжудлиги билан ажралиб туради<sup>43</sup>. Суюрлитепа пойтахт шаҳарга қўйиладиган барча талабларга тўлиқ жавоб бериши мумкин бўлган маҳобатли ёдгорликдир.

Суюрлитепа Оҳангарон туманининг Қорабулоқ қишлоғи жанубий чегарасида, Олмалик-Ангрен йўлининг ўнг томонида, Оҳангарон дарёсининг иккинчи террасаси устида жойлашган. Суюрлитепа қадимги шаҳрининг визуал планига эътибор қаратсангиз яққол кўзга ташланади. Кузатув текширишлари давомида кўҳна шаҳар ҳудудининг ҳар бир қисми кўздан кечирилди. Натижада, кўҳна шаҳар марказида кўҳандиз, унинг атрофида шаҳристонлар, жанубий шаҳристон ташқарисида, шаҳар ҳукмдорининг боғу-роғлари, улардан жанубда қадимги металлургиянинг муҳофаа девори билан ўралган металл хомашёси ишлаб чиқариш устахоналари жойлашган. Унинг жануби-шарқий тепалигида металлургияга оид мажмуа жойлашган. Улардан жанубий кенглик томонга қараб, тоғ остига қадар адирликларда сойлар бўйлаб мазор-қўрғонлар жойлашган<sup>44</sup>.

<sup>41</sup> Асқаров А., Исабеков Б. К вопросу о локализации столицы... – С. 345-355.

<sup>42</sup> Бу ҳақда “Правда Востока” газетаси саҳифасида (20. VII. 2007, – №140.) С. Аширов “Потерянная столица государства Илак” номли мақоласида биринчи бўлиб фикр билдирган.

<sup>43</sup> Исабеков Б.И. Раскопки Храма на Суюрлитепа. // Проблемы древней и средневековой истории Чача. Выпуск 2 (История. Археология. Нумизматика). Шамсиддин Камолиддин (ред). LAP LAMBERT Academic Publishing. – Saarbrücken, 2014. – С. 35-51

<sup>44</sup> Матякубов Х., Исабеков Б. Суюрлитепа. Мозийдан садо. 2/90. 2021. – 40-42.

Шаҳарнинг ғарбий томонидан Овжасойнинг ўнг ирмоғи – Узунсой ўтади. Унинг жанубий ва шарқий томонларини Узунсойдан тортилган чуқур ва кенг канал ўраб олган. Шаҳарнинг умумий майдони тахминан 100 гектардан кам эмас. Шаҳар текисликда жойлашмай Қорамозор тоғ тизмаларининг шимолий ёнбағрида, Оҳангарон дарёсининг юқори террасалари устида жойлашганлиги боис, шаҳарга кириш бош дарвозаси битта, яъни унинг шимоли-шарқий бурчагининг шарқий томонида жойлашган. Бу шаҳар топографиясида яхши кузатилади. Юқорида эслаб ўтганимиздек, кўҳандиз шаҳар марказида жойлашган. У маҳобатли кўриниши ва уни ўраб олган мудофаа деворлари, квадратга яқин шаклидаги аниқ режаси билан шаҳарнинг бошқа қисмларидан ажралиб туради. Кўҳандиз майдони 2,5 гектарни ташкил этади. Кўҳандиз мудофаа деворининг ғарбий ва шимолий томонларида учтадан буржлар жойлашган. Улар айлана шаклида ва мудофаа чизигидан биров ташқарига чиқиб туради. Кўҳандизнинг шарқий ва жанубий томонларида фақат мудофаа чизигининг бурчак буржлари бўлиб, бу томонларда оралиқ буржлар борлиги сезилмайди.

Кўҳандизга кириш дарвозаси унинг жанубий мудофаа чизигининг ўртасида жойлашган. Дарвоза ўрни кесмасида девор кенглиги 5 м. дан кам эмаслиги аниқланди. Девор асоси пахса блоклардан қурилган. Девор ташқарисидан унга ёпиштириб хом ғишлардан қўшимча девор тикланганлиги кузатилади.

Кўҳандизнинг жануби-шарқий ва шимоли-ғарбий томонлари баланд ва кенг дўнгликлардан иборат. Улар маҳобатли қурилиш иморатларининг ўрни бўлиши табиий. Кўҳандизни шимоли-шарқий майдони текисроқ. Кўҳандиз марказий қисмида кенг (диаметри 24 м.) ва чуқур (сақланиши 2,5 м.) ҳовуз мавжуд.

Шаҳар тузилишининг тархига қаралганда, кўҳандизнинг чор атрофини шаҳристонлар ўраб олган. Кўҳандизни ўраб олган шаҳристонларнинг жойлашиш ўрнига кўра, уни шартли шимолий шаҳристон, шарқий шаҳристон, ғарбий шаҳристон, жанубий шаҳристон ва Суюрлитепанинг шимоли-ғарбий бурчагини эгаллаган вағнзе<sup>45</sup> мулки қисмларига ажратиш мумкин<sup>46</sup>. Вағнзе мулки атрофи буржлар билан мустаҳкамланган мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Шимолий шаҳристон Вағнзе мулкининг шарқини, кўҳандизнинг шимолий томонини эгаллаган. Аммо, унинг на шимолида, на шарқида мудофаа девори излари учрамайди. Бу ҳолат шарқий шаҳристонда ҳам кузатилмайди.

Юқорида эслаб ўтилган шаҳарга кириш магистрал йўли 50-60 м. лар чамаси шаҳарга киргач, иккига бўлинади. Бири ғарбга томон давом этади, иккинчиси эса жанубга томон кетган. Иккига бўлинган йўлларнинг кенглиги 8 м. дан кам эмас. Уларга тош ётқизилган. Ғарбий йўл кўҳандизни шимолидан ўтиб, кўҳандизни шимоли-ғарбий бурчаги орқали Узунсой томон кетган. Кўҳандиздан ғарбдаги кенг майдонни ғарбий шаҳристон эгаллаган.

<sup>45</sup> Sultonov F., Bozorboev F. O'rtta asrlar tarixi. – Toshkent 2007. – B. 6

<sup>46</sup> Исабеков Б.И. Раскопки Храма на Суюрлитепа... – С. 35-45.

Унинг ғарбий томони очик, Узунсой билан чегараланган, шимолий томонидан эса ушбу сой томон кетган кенг йўл билан чегараланган. Унинг жанубий томони эса жанубий шахристон мудофаа чизигига бориб тақалади.

Кўхандизнинг жанубидаги жанубий шахристон атрофи мудофаа деворлари ва буржлар билан ўраб олинган. Мудофаа деворлари орқасида чуқур ва кенг хандақ қазилган. Унга сув Узунсойдан олиб кирилган. Хандақ орқасида, жанубда кенг дала майдони ястанган. Унинг ҳудудида ариқлар тизими ва режали экин майдонлари кузатилади. Уларни ўраб олган сойлик орқасида айланаси 900 м. ли (майдони 2 га. дан ортиқ), атрофи юпқароқ мудофаа девори билан ўраб олинган қадимги металлурглр устахоналари жойлашган. Бу майдонда юзлаб тош ёрғучоқ парчалари учратилди\*. Ушбу маскан доирасида кузатилган манзара бу жойда қандайдир тоғ саноати билан боғлиқ ишлаб чиқариш устахоналари, металл эритиш печлари жойлашганлигига ишора қилади. Аммо, бу ишлаб чиқариш майдони Тункат металлург-деҳқонлари мулкидан фарқ қилади. Суюрлитепанинг жанубий чегарасида милодий эра бошларида металлургия билан шуғулланувчи мулкдор деҳқонларнинг устахоналари жойлашган макон таркиб топган. Бу жойдан топилган сопол парчалари ва тош ёрғучоқлар Илоқда металлургия ҳунармандчилигининг илк босқичларига тегишли макон эканлигига ишора қилади.

Демак, Суюрлитепанинг тарихий-топографик манзарасидан кўриниб турибдики, бутун Оҳангарон водийсини қамраб олган Илоқ давлатининг пойтахт шаҳри, айнан, Суюрлитепа бўлиши мумкин. У Оҳангарон водийсининг энг йирик ёдгорлиги ҳисобланади. Суюрлитепада кузатилган тарихий манзара ва унинг қадимги Фарғона билан бевосита боғлаб турувчи Кандир доvon йўлидаги биринчи йирик шаҳар харобаси эканлиги, унинг Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги асосли эканлигини тасдиқлайди<sup>47</sup>.

Суюрлитепа ўз даврида Имлоқ, деб аталиб, мамлакат номи қадимги шарққа хос анъаналарга кўра, шаҳар номи билан аталган бўлиши мумкин. Тункат ва Илоқ (Имлоқ) атамалари билан боғлиқ локализация масаласи Тункат ва Суюрлитепа ёдгорликларида кўшимча археологик тадқиқотлар олиб боришни ва уларнинг илмий ечимида ёзма манбалар маълумотларини жалб этишни талаб этади.

Ушбу бобнинг **“Суюрлитепанинг археологик стратиграфияси”** деб номланган учинчи параграфида Суюрлитепа ёдгорлигининг ўзлаштириш тарихини ўрганиш учун ёдгорликнинг энг қадимги қисми ҳисобланган кўхандизда, унинг шимоли-ғарбий бурчагида, ғарбдан шарқ томонга йўналтирилган 5x48 м. ли стратиграфик шурф ҳақида маълумот берилади.

Кўхандизнинг чор атрофини ўраб олган мудофаа девори вақт ўтиши билан нураб, ташқи томонга йиқилган. Кўхандиз баландлиги камида 6 м.лик

---

\* Қидирув разветка қазималари орқали шундай хулосага келинди

<sup>47</sup> Исабеков Б.И. Древний город на Великом шелковом пути // International journal of discourse on innovation, integration and education. – Tashkent, №.1 05/2020: ISSN: 2181-1067. –Б. 319-322.

платформа устида қад кўтаргани боис, аркнинг чор атрофи конуссимон қиялик кўринишини олган<sup>48</sup>.

Траншея бошланғич нуқтасидан шарққа томон 13,20 м. масофада табиий тепалик бағрига кириб борган икки хонали ер ости совутиш хоналари ясалган. Траншеянинг ғарбий чегарасидан 24 м. масофада материк устида икки қатор пахса девори учратилиб, унинг баландлиги 2,5 м. Ҳар бир пахса орасига бир қатор хом ғишт териб чиқилган\*. Сўнг устига 0,5 м. шағал ётқизилган. Траншея кесмасининг ғарбий чегарасидан 35 м. масофада илк ўрта асрлар даври ташқи деворининг тош пойдевори очилди. Тош фундамент қалинлиги 80 см., 50 см. баландликда сақланган ва узунлиги 9,50 м. бўлган. Унинг шимолий томон тош фундамент 2,40 м.да, жанубида эса 1,40 м. узунликда сақланган. Ўрта қисми траншея қазил вақтида бузилиб кетган. Материкдан то тош фундамент юза сатҳига қадар 5 м. Шурф-траншея кесмасидан олинган материалларнинг материкдан то шағал қатламига қадар қатламлардан топилган материаллар мажмуи милодий IV-VI асрлар даврига, яъни Қовунчи II босқичининг охири ва Қовунчи III даврига хосдир. Бу давр маданий қатламининг қалинлиги 2,5 м. Унинг устида 0,50 см.лик шағал қатлами бор. Унинг устида 3 м. га яқин маданий қатлам сақланган. Мана шу қатлам бағрида маҳобатли иморатнинг девор қолдиқлари сақланган бўлиб, унинг хронологияси VII-VIII асрлардан то қорахонийлар (XI-XII асрлар) даврини ҳам қамраб олган. Худди шу VII-VIII асрларда аркнинг шимоли-ғарбий бурчагида квадрат шаклида бурж таркиб топган.

Шундай қилиб, юқорида таъкидланганидек, табиий тепаликнинг баландлиги 6 м. Унинг устига илк бор милодий IV асрда аҳоли кўчиб келган. Мана шу қатламлар баландлиги материкдан 4,70 м.га юқorigа кўтарилганда шурф-траншея майдонини 13x18 м. га кенгайтиришга тўғри келди<sup>49</sup>. Маълум бўлдики, кенгайтирилган майдонда Кўҳандизнинг шимоли-ғарбий буржи жойлашган. Бурж квадрат шаклида бўлиб, унинг ғарбий деворининг узунлиги 15 м., жанубий ва шимолий деворларидан 13 м. гача узунликда очилди. Деворларнинг қалинлиги 1,10 м. ташкил этади<sup>50</sup>.

Бурж билан боғлиқ казармага кириш дарвозаси унинг жанубий девори ўртасидан очилган. Дарвозанинг ҳар иккала ён томонларига узунлиги 1,8 м., кенлиги 50 см.ли сува ясалган. Дарвозадан биринчи хонага кирилган. У узун ва кенг коридорсимон шаклда, унинг ўлчами 12x4 м. Қорахонийлар даврида унинг ғарбий девори бузилиб, кенгайтирилган. Шу муносабат билан, биринчи хонанинг ғарбий ярми майдонида кўшимча қурилишлар амалга оширилиб, қорахонийлар даврида 3 та параллел ўчоқлар ясалган, ҳатто илк ўрта аср деворлари устида 2 та ўчоқ ўтхоналари сақланган. Уй-жой қурилмалари эса бузилиб кетган.

<sup>48</sup>. Исабеков Б.И. Суюрлителипа ёдгорлиги тўғрисида мулоҳазалар // Ўтмишга назар. Махсус сон. – 2020. – № 4. – Б. 108-111.

\* *Хом ғиштарнинг аниқ ўлчамини олиш имкони бўлмади*

<sup>49</sup> Исабеков Б.И. Древний город на Великом шелковом... – С. 319-322.

<sup>50</sup> Матякубов Х., Исабеков Б. Суюрлителипа... – 40-42.

Квадрат буржнинг ғарбий девори кенглиги 80 см.ли тош фундамент устига қурилган. Афсуски, тош фундамент устига қурилган девор сақланмаган. Тош фундамент бўйлаб кенглиги 1,6 м.ли соқчиларнинг кузатув коридори жойлашган. Коридорнинг шарқий девори 9,3 м.да биринчи узун хонанинг қалин (кенглиги 1,1 м.) шимолий деворига бориб тақалган.

Коридорсимон биринчи узун хонадан иккинчи хонага ўтилган. У ҳам биринчи хона каби дастлаб узун казарма типига қурилган бўлиши мумкин. Унинг жанубий ва шимолий деворлари (қалинлиги 1,1 м.) фундаментал характерда, аммо унинг шарқий девори кейинроқ, қорахонийлар даврида қурилган бўлиши мумкин. Чунки, 70 см.ли қорахонийлар даври девори фундаменти остида 1,20 м. қалинликда шибаланган маданий қатлам ястаниб ётибди. Ушбу маданий қатлам кўхандиз стратиграфиясида VII-VIII асрларга тегишли эканлиги аниқланди.

Очилган хонанинг майдони полини 35 см.гача кесиб тушилганда устма-уст терилган хом ғиштлар чиқиши давом этди. Ёиштлар ҳажми (55x35x15 см.) бир хил. Хонанинг шимоли-шарқий бурчагида ҳажми 50x60 см.ли девор ости томон кетган совутиш хонаси очилди. Камера 1 м. гача девор остига қиялаб кириб борган.

Шундай қилиб, ғишт полли хонанинг илк ўрта асрларда қурилган шарқий девори топилмади. 1,2 м.ли маданий қатлам устида қорахонийлар даври девори топилди. Деворнинг 70 см.гача баландликда сақланган тош аралаш фундаментининг кенглиги 80 см. Эҳтимол, 3-хона ёки 2-хонанинг давомидир. Унинг шимоли-шарқий қисмида казарма стратиграфиясини ўрганиш мақсадида 3x2 м. ҳажмда шурф қазилиб, унинг чуқурлиги қорахонийлар даври поли юзасидан материккача 5,2 м. Шурф ер сатҳидан материккача 6,2 м.

Демак, Кўхандиз стратиграфиясининг биринчи даври (IV-VI аср) материккача 2,5 м. эканлиги аниқланди. 3-хона деб номланган хона шимол томондан девор билан ўралмаган. Ушбу стратиграфик кесмага кўра, илк ўрта асрлар даври қатламининг қалинлиги 4,4 м.дан кам эмаслиги маълум бўлди. Унинг юқориси сомонийлар ва қорахонийлар даврига тегишли бўлган. 3-хона орқали 4,5-хоналарга ўтилган. 4-хона илк ўрта асрларда фундаментал деворлар билан ўраб олинган. Унинг полига ҳам хом дев ғиштлар ётқизилган. Аммо, бундай ҳолатни 5-хона майдонида кузатилмади. Чунки, унинг шимолий деворининг излари сақланган бўлсада, хона тўлиқ очилмади. Кўхандиз шимоли-ғарб буржсининг майдони сомонийлар ва қорахонийлар даврида тўлиқ ўзлаштирилган. Қазилма майдонидан у даврларга тегишли девор парчалари, 4 та хўжалик ўраси топилди. 4-хонадан топилган қорахонийлар даврига тегишли ўра полидан шоли донлари топилди<sup>51</sup>.

Ушбу бобнинг **“Суюрлитепа ибодатхонаси”** деб номланган тўртинчи параграфига Суюрлитепа ибодатхонаси ҳақида маълумот берилган. Ибодатхона ёдгорликнинг шимоли-ғарбини эгаллаган. Унинг майдони тахминан 100x100 метр. Унинг атрофи буржлар билан мустаҳкамланган

<sup>51</sup> Зиётов З. Оталар йўли. – Тошкент, 2014. – Б. 433.

мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Бу жой Суюрлитепа қадимги шаҳрининг мафкуравий маркази бўлгани боис, уни “Вағнзе мулки” деб аталди.

Айнан, шу жойда 2012-2013 йилларда кенг кўламли археологик қазишмалар олиб борилди. Натижада, бу жой қадимги шаҳарнинг оловга топиниш бош алтари – умумшаҳар ибодатхонаси бўлганлиги аниқланди<sup>52</sup>. Объектни тўлиқ очиш мақсадида қазишма тепалик чўққисида (15x11 м.) 165 кв. метр майдонда олиб борилган. Қазишманинг юқори қисмидан топилган сопол парчалари, ўралар, ғишт парчалари қорахонийлар даврига оиддир. Қорахонийлар даврига оид 6 та ўра (яма) топилди ва уларнинг биридан тўла шоли донлари чиқди. Сирли сополларнинг барчаси кулолчилик чарҳида тайёрланиб, устига оқиш ангоб берилган. Ангоб усти тўқ сариқ ва хира қизғиш рангда сирланган<sup>53</sup>. Бундай зайтун ва қора-жигарранг бўёқлар билан ишланган сарғиш рангдаги идишлар XI-XII асрларга оид Лабзак, Шоштепа, Хитойтепа ёдгорликларидан кўплаб топилган<sup>54</sup>.

Дастлаб қазишмалар ибодатхонага кириш дарвозаси йўлагидан олиб борилди. Ибодатхонага жануб тамондан кўтарма йўлак пандус орқали кириб келган. Йўлак девори барча хоналар деворлари каби аввал сомон сувоқ қилиниб, устидан каолин лойи билан силлиқлаб пардозланганлиги аниқланди\*. Коридор-йўлакнинг кенглиги 2,10 м Унинг майдони 10,6 x 3,3 м. Хонанинг текис, қатлам-қатлам девор сувоқлари қизғиш кулранг кўринишда. Унинг ғарбий ва шимолий девори бўйлаб кенг супа жойлашган. Унинг шарқий қисмидан, шимолий девори остида ҳам супа борлиги аниқланди. Унинг узунлиги 3,8 м., кўндаланги 1,2 м. ташкил этади.

Қазишма жараёни дарвозадан 7,3 м. шарққа томон давом этиб, тўғри тўртбурчак шаклидаги муқаддас оташгоҳга бориб тақалди. Алтарнинг ўлчами 180x150 см. Унинг ичи куйган ғишт синиқлари, гумбаз шаклида ёпилган томи шифтидан кулаб тушган куйган сувоқ қопламасининг парчалари ва лўмбоз лой бўлаклари билан тўлган эди. Унинг шимолий ва жанубий деворлари бурчагида бир хил овал шаклида тутун туйнуклари бор. Чуқурлиги 15 см., эни 10 см. Алтар деворлари хом ғишдан тикланган бўлиб, унинг усти бир неча бор лой сувоқ қилинган. Биринчи супали хона деворлари қалинлиги 1,80 м. Унинг шимолий деворини қоқ ўртасидан иккинчи супали хонага ўтиш коридори мавжуд.

Иккинчи супали хонанинг кенглиги 1,60 м. Хонанинг ўлчами (8,2x3,2 м.) аниқланди. Афсуски, унинг шимолий ва ғарбий деворлари қиялик жар туфайли кулаб кетган. Хонанинг шарқий ва жанубий девор ости супалари яхши сақланган. Хона ғарбий девори жарлик туфайли сақланмасада, аммо унинг девор ости супаси бир ғишт баландлигида сақланган.

<sup>52</sup> Исабеков Б.И. Раскопки Храма на Суюрлитепа... – С. 235-53.

<sup>53</sup> Ильясова С.Р., Ильясова Дж.Я., Имамбердыев Р.А., Исакова Е.А. Нет блага в богатстве (Глазурованная керамика Ташкентского оазиса IX-XII). – Москва, 2016. – С. 573-576. Рис. 332-335.

<sup>54</sup> Ўша жойда.

\* Расмлар кўз илгамас даражада сақлангани учун уни расмга олиш ва тиклаш имкони бўлмади

Учинчи хона монументал деворлар оралиғида жойлашган. Алтархонага кириш тор коридорча оркали бўлиб, унинг кенглиги 80 см., узунлиги 2,3 м. Алтархона тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, унинг ўлчами 5x1,9 м. Унинг шарқий деворининг баландлиги 1,10 м., жанубий деворининг баландлиги 1 м. Алтархонанинг шимоли-ғарбий бурчагида, унинг ғарбий деворида токчаси бўлган. У хона полидан 70 см. баландликда, кенглиги 60 см., девор ичига 25 см. кирган. Алтархонанинг шарқий қисмида, хона ўртасида диаметри 1 м. ли алтар-оташкада жойлашган. Ушбу алтархона ибодатхона комплексининг “жанубий оташкадаси” деб номланди.

Оташкада шарқидида очик ибодат майдонига кириш эшиги унинг жанубий девори қолдиқлари учратилди. Улар оралиғи 9,25x6,20 м. Мана шу кенликда пахса лой ва қаттиқ тупроқ уюми куйган полгача тозалангач, шимолий ва жанубий деворлар оралиғидаги ибодат майдони унинг полигача очилди. Очик ибодат майдонининг шимолий чегара девори яхши сақланган, қалинлиги 2 м. ва баландлиги 2 м. дан кам эмас, 4 м. узунликда сақланган. Унинг шимоли-ғарбий бурчагида, кенглиги 1 м. лик шимол томон кетган коридор-йўлак очилди. Унинг узунлиги 2 м. Коридор-йўлакнинг қоқ ўртасида ёғоч эшиги бўлган. Ушбу коридор-йўлак ибодатхона комплексининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган алтархонага олиб чиқади. Бу жой ибодатхона комплексининг “шимоли-шарқий алтархона”си деб номланди.

Хона майдони 4,3 x 7 м. Алтархона қалин деворлар билан ўраб олинган. Девор баландлиги 1,2 м. Унинг шимолий ва шарқий томонларида қияли жарлик туфайли девор излари сақланмаган. Алтархона марказида айлана шаклида оташкада жойлашган. Оташкада марказий қисмида квадрат шаклида чуқурча-кулдон бўлиб, у оппоқ кулга тўла эди. Ушбу қурилма мажмуасида учратилган ёнғин излари ва у ердан топилган ашёвий далилларнинг таҳлилига кўра, ушбу мажмуа оташпарастилик ибодатхонаси бўлиб чиқди.

Қазишма натижаларига кўра, ибодатхона майдонининг марказий қисмида монументал қалин пахса деворли хоналар қад кўтарган. Қазилма майдонининг шимолий, шарқий, ғарбий томонида кескин қиялик жар туфайли девор излари учратилмайди.

Қазишма давомида учратилган археологик материаллар мажмуанинг илмий қиёсий таҳлилидан маълум бўлдики, ибодатхонанинг ёнғинга учраган асоси илк ўрта асрлар даврида (милодий V-VI асрларда) қад кўтарган. Ибодатхона VIII аср бошларида, араблар босқини даврида босқинчилар томонидан ёқиб юборилган ва вайрон этилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Археологик материаллар таснифи ва хронологияси**” деб номланган. Унинг “**Юқори Оҳангарон водийси ҳунармандчилик маҳсулотлари ва уларнинг таснифи**” деб номланган биринчи параграфидида Юқори Оҳангарон водийси ёдгорликларидан топилган кулолчилик буюмлари ва топилмаларга бағишланган. Ушбу тадқиқотда мазор-қўрғонлар ва ибодатхонадан топилган артефактлар куйидаги

гуруҳларга ажратилиб ўрганилган: *кулолчилик буюмлари; қурол-яроғ ва аслаҳалар; зеб-зийнат буюмлари ва тақинчоқлар; муҳрлар; суякдан ясалган топилмалар; террокота урчуқтошлар*. Ушбу гуруҳлар тузилиши, шакли ва вазифаларига қараб майда вариантларга ҳам бўлинган.

Кулолчилик буюмлари. Дўланабулоқ, Тайпан, Туркушин, Эртош-Дўлана каби қадимги қабристонлар ва Ўралитепа ибодатхонасидан жами 73 та кулолчилик буюмлари топилди, барчаси қўлда ясалган. Ушбу сопол буюмлар Тошкент воҳаси ва бошқа ҳудудларнинг сополлари билан қиёсий таҳлил қилинди. Бу буюмларнинг барчаси қўлда ясалган бўлиб, улар қуйидаги типлардан иборат: *кўза, хурмача, ёғлоғи (кружка), бакалсимон-қўрақумгон, қумгон-кўза, қўрача, това, коса* бу идишлар ҳам ясаши, шакли, тузилишига қараб 1-2 тагача гуруҳларга бўлинган, ҳамда таҳлил қилинган. Юқори Оҳангарон водийси ёдгорликларидан топилган барча кулолчилик буюмлари Қовунчи маданиятининг I-II босқичларига оидлиги аниқланди.

III бобнинг **“Ўрта Оҳангарон водийси хунармандчилик маҳсулотлари ва уларнинг таснифи”** деб номланган иккинчи параграфи Ўрта Оҳангарон водийсида жойлашган Имлоқ-Тункат ва Суюрлитепада олиб борилган қазилмалар жараёнида ўрганилган археологик топилмалар, кулолчилик маҳсулотлари, тошдан ясалган турли хил меҳнат қуроллари, металл буюмлар ва нумизматик материаллар таҳлил қилинади.

Суюрлитепа ибодатхонаси керамикаси мажмуининг аксарият кўпчилигини турли хил сопол идишларнинг оғизлари, дасталари ва идиш тублари ташкил этади. Уларни амалий ҳаётда, кундалик турмушда фойдаланишларига кўра, тўрт гуруҳга ажратилди: 1) *ошхона идишлари*; 2) *хўжалик-турмуш идишлари*; 3) *дастурхон идишлари*; 4) *ибодатхона муқаддас идишлари*.

Хунармандчилик маҳсулотлари Суюрлитепа аркининг стратиграфик ўрганишда кўплаб топилди. Улар, асосан, Қовунчи II босқичининг сўнгги давридан (IV асрдан) Қорахонийлар ҳукмронлиги вақтини тўлиқ камраб олган.

Суюрлитепа Аркига солинган стратиграфик шурф-траншеядан кўплаб сопол парчалари йиғиб олинди. Сополларнинг аксарияти қўлда, чархида ясалган. Улар турли хил сопол идишларнинг гардишлари (венчик), даста ва таг қисмлари бўлиб, уларни уч тарихий даврларга тегишли эканлиги аниқланди.

Даврий санаси милодий IV-VI асрларга тегишли сополлар сони 77 та, қўлда ясалган. Комплексида 9 та сопол кулолчилик чархида ясалган, қозон қопқоқлар 3 та, шундан 1 таси чархда ясалган.

Навбатдаги хронологик давр илк ўрта асрларнинг фундаментал шаклланган даври билан боғлиқ бўлиб, унинг даврий санаси милодий VII-VIII асрлар билан белгиланади. Бу даврга тегишли сополлар сони 265 та, улар, асосан, сопол венчик ва таг қисмларидан иборат. 2 таси археологик жиҳатдан бутун. Идиш гардишлари 98 та, унинг 16 таси қўлда ясалган

қозонга тегишли, 82 таси кулолчилик чархида ясалган. Идиш дасталари 48 та, унинг 8 таси қўлда, 40 таси кулолчилик чархида ясалган. Идиш таг қисми (донцалар) 96 та, унинг 10 таси қўлда, 86 таси кулолчилик чархида ясалган.

Сомонийлар ва қорахонийларга тегишли қатламлардан 274 та турли хил сопол идиш парчалари топилди. Улардан 22 таси археологик бутун, улар, асосан, қозонлар, тухумсимон кўзалар, сирли лаган ва ликопчалардан иборат. Сопол идишларни қуйидаги типларга бўлиш мумкин: сопол қозонлар, хум ва хумчалар, тухумсимон кўзалар, тоғоралар, обдаста ва қопқоқлар, хурмача, тувак, симобкўзача, пилта чироқлар, лаганлар, тарелка, коса ва нимкосаларга бўлинади.

Турли хил хом ашёлардан тайёрланган буюмлар: Суюрлитепа аркида ўтказилган шурф-траншеяни қазиб жараёнида урчуктошлар, курол-яроғлар, танга, тақинчоқлар топилди.

Шундай қилиб, Оҳангарон водийсининг Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийсида олиб борилган изланишлари сўнги антик, илк ўрта ва ривожланган ўрта асрларнинг (IX-XII асрлар) биринчи босқичида бу ерга кириб келган аҳоли ҳаётида ўтроқлашиш жараёнлари жадал кечганлиги ҳақида бирламчи маълумотлар берди. Бу маълумотлар, асосан, археологик артефактлар бўлиб, улар турларга ажратилиб, диссертацияга илова қилинган альбомда чизма, расм ва классификацион жадвалларда ўз аксини топган. Иллюстрациялар альбомида кулолчилик маҳсулотлари, тош ва металлдан ишланган қиёсий солиштирма жадвалларда хронологик кетма-кетликда берилди. Уларнинг даврий саналари аниқланди.

## ХУЛОСА

Ушбу тадқиқотда 2009-2020 йилларда академик А. Асқаров раҳбарлигида ташкил этилган археологик дала экспедиция ишларида муаллифнинг бевосита фаол иштирокида Юқори Чинор, Дўланабулоқ, Тайпан, Туркушин, Эртош-Дўлана каби мозор-қўрғонлар ҳамда Ўралитепа ва Суюрлитепа каби ёдгорликларнинг очиб ўрганиши асос бўлди. Шунингдек, Оҳангарон водийсининг илк ўрта асрлардаги сиёсий марказий масаласига баъзи бир аниқликлар киритиш мақсадида қадимги металлурглр шахри Тункатда қўшимча археологик изланишлар олиб борилди ҳамда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Янги очилган турли хил моддий маданият объектларида археологик қазинмалар олиб бориш йўли билан тоғли чорвадор қабилаларнинг ўтроқлашиш жараёнлари II-IV асрдан бошланган.

2. Турли хил мозор-қўрғонлар, дафн маросимлари ва диний эътиқоди, кўмиш вақтида қабрга қўйилган ашёвий далиллар асосида уларнинг ҳаётлик даврида жамоадаги ижтимоий мавқеи, касб-кори аниқланди;

3. Обиз қишлоғи юқорисида жойлашган Тункатда ўрганилган объектлар бу шаҳар Оҳангарон водийсининг нафақат илк ўрта асрларда, балки ривожланган ўрта асрларда ҳам иқтисодий асоси, руда қазиниш, эритиш ва қуйиш объектлари мужассамлашган шаҳар бўлган.

4. Тункатдаги ҳар бир металл ишлаб чиқарувчи мулкдор деҳқон мулки алоҳида металл ишлаб чиқариш ва уни қайта ишлаш қўрғони, бир вақтни ўзида савдо карвонсаройи эканлиги аниқланди. Карвонсарой ичида ҳар хил катта-кичикликда тепачалар бўлиб, улар орасида биттаси катта ва кенглиги билан бошқалардан ажралиб туради. Унда энг йирик мулкдор деҳқон қасри жойлашган, деб ҳисоблаш мумкин. Қолганларида эса омборхона ва мусофирхоналар, дўконлар, меҳнат ва ҳарбий ҳамда турли хўжалик асбоб-усканаларини ишлаб чиқариш устахоналари жойлашган бўлиши мумкин. Бундай топографик манзара Тункатда биз кузатган барча деҳқон қўрғонлари, яъни ҳар бир савдо карвонсаройлари учун хосдир.

5. Юқорида баён этилган маълумотлар синчиклаб таҳлил этилиб, бу жойда кўхандиз ёки Илоқ хукмдори саройидан бирорта ҳам аломат йўқлиги исботланди. Эҳтимол, кўхандиз сифатида қабул қилинган бу жой Тункатдаги йирик мулкдор деҳқонлардан бирининг мулки бўлган ва айнан, шу катта тепаликда унинг қасри жойлашган бўлиши тарихий ҳақиқатни эслатади;

6. Тункатнинг шимоли-шарқий қисмидан Отчопарсойгача бўлган жойда кўплаб руда тошқоллари учрайди. Ушбу пунктнинг жанубий қисми, яъни ёдгорликни ғарбдан шарққа томон (Совуқбулоқсойдан Отчопарсойга) кесиб ўтган магистрал каналгача бўлган қисмини металлургиянинг қўрғонлари эгаллаган. Бундай манзара магистрал канал бўйлаб ғарбда Совуқбулоқсойгача давом этади. Бу деҳқон қўрғонлари ҳам локал мудофаа деворлари билан ўраб олинган. Ҳар бир деҳқон қўрғонига алоҳида кириш дарвозаси бўлиб, улар ички ва мудофаа режасига кўра, Тункат шаҳрининг “Кўхандиз” ва “Шаҳристон” деб аталмиш қисмида жойлашган деҳқонларнинг қўрғонларидан фарқ қилмаган.

7. Юқори Оҳангаронда Ўралитепа диний маркази ва Ўрта Оҳангаронда Суюрлитепа ёдгорлигидаги умумшаҳар оташпарастлик ибодатхонасини кашф этилиши ва ўрганилиши натижасида ушбу водийда илк ўрта асрларда яшаган аҳолисининг Қуёшни бош илоқ сифатида эъзозлагани тўғрисида янги хулосалар илгари сурилди.

8. Юқори Оҳангарон водийси доирасида Қовунчи маданиятига тегишли қатор янги мазор-қўрғонларининг кашф этилиши ва ўрганилиши этногенетик жараёнлар сўнгги антик, айниқса, илк ўрта асрларда жадал кечганлиги, бу жараён энг баланд тоғларга ҳам кириб борганлиги Дўланабулоқ, Тайпан, Туркушин, Эртош-Дўлана каби ёдгорликлардаги бой ашёвий артефактларда кузатилди.

9. Юқори ва Ўрта Оҳангарон водийси қадимги шаҳар ва мулкдор деҳқонларга оид ёдгорликларини ўрганиш асосида ушбу минтақанинг иқтисодий асосини ташкил этган руда-кон саноати ва унинг Чоч ва Илоқда, ҳатто, Ўрта Осиё миқёсида тутган иқтисодий ўрни очиқ берилди ва ниҳоят, юқорида баён этилган илмий ишланмалар яхлит бир тизимга солиб, илмий умумлаштирилди.

Тадқиқот якунида қўлга киритилган илмий хулосалар асосида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Суюрлитепада кенг қўламли қазиш ишларини олиб бориш, унинг топографиясини тадқиқ қилиш, ёдгорликни усти ёпиқ туризм масканига айлантириш, ҳамда уни Илоқнинг марказий шаҳри эканлигини ишончли материаллар билан асослаш;
2. Юқори Оҳангароннинг қадимги ва ўрта асрлардаги қишлоқ ҳамда шаҳарларини минтақанинг бошқа ҳудудлари билан боғлаган савдо ва қарвон йўлларини ўрганиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/02.30.12.2019.Tar.45.01. ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
ЦЕНТРЕ АРХЕОЛОГИИ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР АРХЕОЛОГИИ**

**ИСАБЕКОВ БЕХЗОД ИМОМАЛИ УГЛИ**

**ДРЕВНЯЯ И СРЕДНЕВЕКОВАЯ КУЛЬТУРА ВЕРХНЕЙ И СРЕДНЕЙ  
АХАНГАРАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

**07.00.06 – Археология  
(исторические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Ташкент – 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2018.3.PhD/Tar359.

Диссертация выполнена в Национальном центре археологии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.archaeology.uz](http://www.archaeology.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Аскарлов Ахмадали Аскарлович  
доктор исторических наук, профессор, академик

**Официальные оппоненты:** Раимкулов Абдисабур Азамович  
доктор исторических наук

Тошбоев Фуркат Эшбаевич  
доктор философии по истории (PhD)


**Ведущая организация:** Национальный университет Узбекистана


Защита диссертации состоится «20» 05 2022 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. по присуждению ученых степеней при Национальном центре археологии. (Адрес: 100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 81). Тел.: (99871) 233-70-81, e-mail: [uzarchae@academy.uz](mailto:uzarchae@academy.uz).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального центра археологии и Самаркандского института археологии им. Я. Гулямова (зарегистрирована за № 5072). (Адрес: 140151, г. Самарканд, ул. Вохида Абдуллаева, 3). Тел./факс: (99866) 232 – 15 – 13).

Автореферат диссертации разослан «20» 04 2022 года.  
(Протокол реестра рассылки № 2 от «29» 04 2022 года.)



  
**Ф.А. Максудов**  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.и.н.

  
**Д.Х. Муродова**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней, к.и.н.

  
**А. Анарбаев**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
ученых степеней,  
д.и.н., профессор.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в условиях ускорения культурной интеграции народов мира большое внимание уделяется вопросам истории культуры, отражающей человеческий фактор и почти все аспекты человеческого общества. В центре внимания мирового сообщества в качестве своеобразного феномена находятся такие особенности общественно-экономической жизни проживавших в древние времена кочевников-скотоводов и занимавшихся оседлым земледелием народов, как погребальные обряды, религиозные воззрения, процессы перехода к оседлости и урбанизации.

В ряде научно-исследовательских учреждений мира история материальной и духовной культуры народов Центральной Азии, в том числе, освоение в древности человеком северо-восточных районов Узбекистана, существовавшие здесь различные культуры изучаются в качестве отдельной темы. В связи с этим важное значение обретает изучение истории градостроительства, ремесленничества и экономического хозяйства этой территории на основе археологических источников.

В годы независимости ряд мер, направленных на изучение богатой истории и культуры узбекского народа, были поставлены на повестку дня в качестве актуальной задачи. Поскольку история культуры Ахангаранской долины является неотъемлемой частью истории узбекского народа и его государственности, она упоминается в некоторых документах нашего правительства, в которых указывается на осуществление широкомасштабных работ по популяризации в нашей стране и мировом сообществе результатов историко-археологических исследований в целях повышения духовного и образовательного уровня нашего народа<sup>1</sup>. В этом отношении комплексное археологическое изучение истории культуры Ахангаранской долины имеет важное значение для более глубокого осознания нашей национальной культуры.

Данное исследование в определённой мере служит для выполнения задач, обозначенных в указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, постановлении «О мерах по обеспечению ускоренного развития внутреннего туризма» за № ПП-3514 от 7 февраля 2018 года, распоряжении «О совершенствовании охраны и использования объектов материального культурного и археологического наследия» за № Р-5181 от 16 января 2018 года, постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан «О коренном совершенствовании археологических исследований» за № 792 от 21 сентября 2019 года и других нормативно-правовых документах, направленных на развитие научно-исследовательской

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.11.2018 йил санасидаги ПҚ-4038-сон қарори “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”  
<https://lex.uz/docs/4084926>.

и инновационной деятельности, научного изучения, пропаганды и пополнения богатой истории, материального и культурного наследия нашего народа<sup>2</sup>.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках программы развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, экономического, культурного, духовного и образовательного развития информатизированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** В археологическом изучении Верхней и Средней Ахангаранской долины большое значение имеют исследования многих археологов. В частности, Д.М. Граменицкий изучил курганы-могильники предгорной зоны долины, расположенных недалеко от Сырдарьи<sup>3</sup>. А востоковед В.В. Бартольд сосредоточил внимание на городах, связанных с рудными месторождениями и металлургией долины, и в своём произведении дал их краткое описание<sup>4</sup>. Следует подчеркнуть, что в период Российской империи (1867 – 1917 гг.) из-за повышенного интереса к природным ископаемым края<sup>5</sup> геологическое изучение верхнего и среднего Ахангарана было более интенсивным, в сравнении с его археологическим изучением, носившим зачастую сопутствующий характер. Геолог С.Ф. Мошковцев, сообщивший о памятнике Кухисим, в своей статье упоминает, что внимание древних металлургов привлекали рудники Карамазара.

В период бывшей советской власти (1917 – 1991 гг.) археологическое изучение региона значительно активизировались, было собрано большое количество материала. Теперь археологические исследования стали проводиться одновременно с геологоразведочными работами. В составе специально созданной Таджикско-Памирской геологоразведочной экспедиции по поиску Карамазарских рудных месторождений в оазисе была сформирована археологическая группа под руководством М.Е. Массона. Эта группа, собрав средневековые письменные источники о рудниках Карамазара, на основе артефактов приступила к освещению и нанесению на археологическую карту, расположенные на этой территории древние рудные месторождения, нахождения плавильных печей и связанных с ними древних

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони; <https://lex.uz/docs/3107036>; 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сонли” Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, <https://lex.uz/docs/3551112>; 2018 йил 16 январь “Моддий маданият ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойиши; <https://lex.uz/docs/3506332>. 2019 йил 21 сентябрдаги 792-сон “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида” Қарорлари <https://lex.uz/docs/4524476>.

<sup>3</sup> Граменицкий Д.М. Заметки о древних урочищах Туркестанского края // Туркестанские ведомости. – Ташкент, 1879. – № 12.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч. II. – Санкт-Петербург, 1900. – С. 169, 172 – 175.

<sup>5</sup> Томилин В.Н. Месторождение медных и свинцовых руд в предгорьях Могол-Тау и Карамазара в Туркестане // Записки Горного института, 1912. Т. IV. Вып. 46 с ; Вебер В.Н. Полезные ископаемые Туркестана: (с картой). СПб.: Геол. ком., 1913. 208 с ; Мошковцев С.Ф. Кухи-сим // Геологический вестник. Т.V. – Л., 1926. № 1–3. – С. 66–69.

кишлаков и городов<sup>6</sup>. В 1932 году была опубликована брошюра П.П. Иванова, посвящённая прошлой истории Ахангаранской долины и изучению рудных месторождений<sup>7</sup>.

Одной из первых важных работ по изучению истории долины верхнего и среднего Ахангарана и выявленных здесь месторождений полезных ископаемых является монография Б.Н.Наследова «Кармазар»<sup>8</sup>.

С 50-х годов XX века вновь оживилась работа по исследованию истории и рудных месторождений Илака, возникшего на территории Среднего Илака. В частности, по итогам археологического изучения истории этой территории М.Е. Массоном был опубликован ряд статей и брошюр<sup>9</sup>.

